

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан № 268 (7. 357) чика бошлаган.

1990 йил 24 ноябрь, шанба

Баҳоси 3 тийин.

Тўқувчилик касбини ўрганишмоқда

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатига бир пайтлар ишчилар етишмаслиги туфайли бошқа вилоятлардан катта-катта ваъдалар билан ёшлар ишга таклиф қилинар эди. Орадан бир қанча вақт ўтмаёқ бу ваъдалар турғун эканлиги сезилиб қолди. Ҳозирги пайтда бундай ваъдаларга ўрин қолмади. Ҳар ким ўз хоҳиши билан келиб ишлаётган бўлди.

Мана яқинда корхонанинг 1-тўқув фабрикасида Тошкент жумҳуриятининг Ленинobod вилояти Гончи ноҳиясидан 20 нафар қизлар тўқувчилик сирларини ўрганиш учун ташриф буюрдилар. Бу ишнинг ташаббускори шу цех бошлиғи Толлибон Уринов эди.

— Мен ўзим ҳам Ленинobodликман, — дейди Толлибон ака, — бу қизларнинг тўқувчилик сирларини ўрганиш ишларини аниқлаш бундай муамма бўлди. Бу масъулиятли ишни аса ўз зиммамга олиб, уларга иш ўргатаман. Қизларга ҳеч қандай ваъдалар берилгани йўқ. Асосий мақсад — иш ўрганиш. Ҳозир улар 15-тоғқонда яшаб туришибди. Иккинчи сменада ишлаган кунлари автобусда элтдиб қўйлади. Уларнинг ишга бўлган қаноқликлари бизни қувонтирмоқда.

М. СОТТИЕВА.



Ҳамида Ёқубжонова Тошкентдаги электр-рўзгор таълим марказида таълим олмоқда. Унинг тайёрлаб берилган маҳсулотлари ҳамisha сифатлиги билан фарқ қилади. Т. Каримов сурати.

Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари—муҳокамада

Партия турмушининг қондалари

Шу йил 7 декабрда ўз ишнинг бошлайдиган Ўзбекистон Коммунистик партияси ХХП съездининг иккинчи босқичида жумҳурият коммунистларининг асосий ҳужжатлари — Ўзбекистон КП Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари кўриб чиқилди. Ҳозир пойтахтнинг барча партия ташкилотларида ушбу ҳужжатлар қизғин муҳокама этилмоқда. Киров ноҳияси партия кўмитасининг иккинчи котиби Ю. Б. Қазаринов Ҳаракат дастури ва Устав лойиҳалари юзасидан бошланғич партия ташкилотларида билдириладиган фикр-мулоҳазаларини шарҳлаб берди:

— Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари коммунистлар томонидан ишчилик билан муҳокама этилмоқда. Улар бу ҳужжат пухта-пишқ бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидламоқдалар. КПССтга оқиндан оқич бўлган қилинаётган уни сиёсий кураш майдонидан четга чиқариш ҳақи-ҳаракатлари бўлаётган ҳозирги пайтда Ҳаракат йўналишларини аниқ белгилаб олиш тоғт муҳимдир.

Шу кунгача бўлиб ўтган партия йилликларидега ноҳияда коммунистлар Ҳаракат дастури ва Устав лойиҳаларига ўзгартириш киритиш юзасидан қатор таклифларни ўртага ташладилар. Хусусан, 22-ўрта хунар-техника билим юрти коммунистлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Уставининг 9-моддасига «Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзоси коммунистик идеалларни қарор топтириш учун гоёвий кураш олиб бориши керак», деган жумла қўшиб қўйишни таклиф қилишди.

«Урто» нафосат фабрикасида бўлиб ўтган партия йиллиги қатнашчилари Устав лойиҳаси иккинчи бўлимининг 7-моддасидега «партияни мунтазам равишда моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турдиغان» сўзларини «мухтазам равишда партия аъзоларини бадалларни тўлаб турадиган» сўзлари билан алмаштиришни маъбуд, деб ҳисобладилар.

«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистлари аса Устав лойиҳаси туртинчи бўлими 22-моддасини «Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг негиз ҳисобланади», деб бошлаш лозимлигига эътиборини қаратдилар.

нозарлар бўлапти. Масалан, «Ўзбек-селимаш» коммунистлари Устав лойиҳаси иккинчи бўлими II-моддасини қуйидаги таҳрирда бериш мақсадада мувофиқ деб ҳисобладилар. «Коммунистлар партия сафидан ўчирилгани муносабати билан уларнинг партия аъзолиги тўхталиши тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиллик йиллик томонидан қабул қилинади ва муайян ташкилот ҳисобида турган коммунистларнинг яримдан кўпроги шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий, деб ҳисобланади. Коммунистларнинг партиядан иштиёрли равишда чиқиши муносабати билан уларнинг партия аъзолиги тўхталиши тўғрисидаги қарор партия ташкилотининг котиби томонидан коммунистнинг аъзоси асосида қабул қилинади».

Ўзбекистон Турар жой-иқтимоий бистохонаси коммунистлари аса бунга қарама-қарши фикр билдирдилар. Улар худди шу моддадан коммунистларнинг «... иштиёрли равишда чиқиши» сўзларини олиб ташлашни таклиф этдилар. Уларнинг фикрича, Уставада бу қанда сақланиб қолса партияга аъзоларнинг қабул қилиниши ва чиқиши муайян сабабларга, хусусан партиянинг жамиятдаги нуфузига ёни обрўсизланб қолганлигига боғлиқ бўлиб қолди. Бу аса эътиқоиди бўш тасодифий кишиларнинг партия сафига сукулиб киришларига имконият беради.

«Юлдуз», «Технолог» бирлашмалари коммунистлари партия аъзолик бадалларини маошдан барча турдаги солиқлар чегириб олингандан сўнг тўлаш керак, деб ҳисобламоқдалар. 2505-автокорхона, тамаки фабрикаси коммунистлари аса аъзолик бадалларидан тушган маблағнинг бошланғич ташкилот ҳисобида қолдирган 50 фоизи фақат шу ташкилот томонидангина сарф-харажат қилиниши мумкин, деган фикр билдирдилар. Миллиция мактаби коммунистлари партиядан иштиёрли равишда чиққан кишиларни янгидан партия қабул қилиниши ман этилишини Устав лойиҳасида қайд этилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси асосий ҳужжатларининг лойиҳаларини муҳокама этиш давом этмоқда. Коммунистлар улар ҳақида халқ кўнглига фикр-мулоҳазалар билдиришлари шубҳасиздир. Бу таклифларни ҳисобга олиш барча коммунистлар фикрини ифода этадиган партиявий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

ВАЗИРЛИК БИРЛАШМАСИ

БУГУНГИ кунда жумҳуриятимиз билим юртли, илмий муассасалар ҳамда халқ ўқувчилигини турли соҳалари учун малакали илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида муҳим иқтимоий вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу хайрли ишни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида қўриладиган тадбирлар яхши самаралар бера болади.

Тошкентда яқинда иш бошлаган хўжалик ҳисобидеги «Узвеш-образованье» жумҳурият бирлашмаси ҳам бу борда катта фаолият кўрсатади. Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўли билан тузилган мазкур марказ илмий кадрлар тайёрлаш, чет эл фирмалари, ўқув юртли, илмий даргоҳлар билан алоқа боғлашни ташкил этиш ҳамда ўзaro ҳамкорлик юртиши бўйича музокаралик олиб боради. Шунингдек, мутахассисларни ўқитиш, уларнинг тажриба орттириши, ахборот-тижорат ишларини йўлга қўйиш мақсадида шартномалар тузилади.

Кичика вақт ичида бирлашма дастлабки яхши ишларини амалга оширишга эришди. Хитой, Афғонистон, Колумбия, Ливан ва бошқа хорижий мамлакатлардаги фирма ва ўқув юртли билан ҳамкорлик битимлари имзоланди.

С. ОДИЛОВА.

ИХТИРОЛАР «МУЗЛАМАЙДИ»

ХИТОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАН КИШИЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ САМАРАСИ

Ҳар соҳада бўлаётган ҳозирги ўзгартириш илм-фан кишиларини ҳам давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлашга ундамоқда. Айниқса, фан ва техника жаҳонда олға ташланган ҳар бир қадамнинг самараси катта. Чунки жаҳондаги ҳозирги иқтисодий, илмий ва таълимий ечимда ҳам фан-техника ютуқлари муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг Микробиология илмгоҳи олимлари ҳам бу жаҳонга муносиб ҳисса қўшиб, илмда чет эл олимлари билан шартномалар тузишмоқда. Ўзaro ҳамкорлик асосида иш олиб бориш ҳамisha фанга кенг йўл очади. Яқинда илмгоҳ тажрибахоналарида

Хитой Халқ Жумҳуриятининг бир гуруҳ олимлари бўлиши ва ўзбек олимлари билан илк марта дўстона илмий ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Кейинчалик бу ҳамкорлик натижасида илмий фикрга эмас, балки мол-товарлар, илмий жиҳозлар, фан ютуқлари самарали айирбошланади ва шунда икки мамлакат олимлари яратган микробиология фанининг илгор ютуқларидан икки буюк давлат фударолари ҳам наф қўради.

Жаҳондаги муҳбиримиз ушбу дастлабки ахдлашув натижалари ҳақида сўзлаб беришни Микробиология институтини тажрибахонаси мудир, биология фанлари доктори Қажрамон ДАВРОНОВдан илтимос қилди.

— Шу йилнинг ўзида жумҳуриятимизнинг бир неча ўнлаб олимларидан иборат вакиллар Хитой иқтисоди, маданияти билан танишиб қайтдилар. Ўз навбатида аса бу буюк халқ вакиллари сержуёш Ўзбекистонимизга ташриф буюришиб, ҳар соҳада ўзaro алоқалар ўрнатмоқдалар. Бу эъзу ишлар фан-техника соҳасини ҳам ўз ичига қамраб, икки давлат олимларини ҳам ўзaro ҳамкорликка чорламоқда.

Яқинда Цинь-зянь автоном вилояти Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари Тошкентга меҳмон бўлиб келишди. Улар Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Микробиология илмгоҳининг тажрибахоналарида бўлишиб, бу ерда ўзбек олимлари олиб бораётган илмий ишлар билан танишдилар.

Шу ўринда мен эътигина ҳамкорлик йўлга қўйилган ХХХ микробиология олимларининг фермент генераторлари ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларини, бу ишлар қай тарихқа амалга ошириладиганини хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Хитойда биринчи фермент заводи 1965 йилда қурилиб, ишга туширилган. Бу заводда дастлаб ишлаб чиқаришга жорий қилинган фермент аса крахмални қисман парчаловчи — альфа амилаза-си эди. Ҳозирга келиб аса бу ерда шу крахмални тўла-тўқис глюкозага парчаловчи фермент глюкоамилаза, олинган глюкозани ишфобахил фруктозага айлантириб беришни фермент глюкозоизомераза, оқсилларни парчаловчи фермент — протеаза ҳамда ёғ парчаловчи фермент — липолази ишлаб чиқариш кенг қўлажда йўлга қўйилган.

1970 йилга келиб аса фермент соҳасидаги ишлар янги даражага етди, яъни 40 дан ошқ фермент заводлари ишга туширилди ва бу заводларда озиқ-овқат, кўнчилик, енгил саноат, машиини хизмат ҳамда фармацевтика учун эг зарур бўлган 20 дан ортиқ ферментлар ишлаб йўли билан ишлаб чиқарила бошладилар. Шундай қилиб, бу соҳа мамлакат саноатининг асосий йўналишларидан бирига айланди, микробиология фанининг равиши натижасида мамлакат иқтисодиёти кўтарилди.

Сўнги вақтларда хитойлик олимлар ферментнинг ҳосил бўлиши, кимёвий-биология ва табиий жараянлардаги таъсир механизми турли юртли ишлар билан бир қаторда уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш устида чуқур изланишлар олиб бормоқдалар ва бу йўлда катта-катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Жўмладан, фермент ҳосил қилувчи микроорганизмларнинг яшаш шартларини атрофлича ўрганиш, уларнинг фермент ҳосил қилиш қобилиятини ошириш, бу борда ҳар хил физик ва кимёвий йўллар билан янги «мутантлар» олишга эришиб, бу янгидан бунёд қилинган микроорганизмлардан ферментларни соф ҳолда ақтариб олиш, уларнинг таъсири муҳит таъсирини чақдирлигини ошириш сингари кўп тармоқли йўналишлар бўлиши илмий изланишларни амалга оширмоқдалар. Яқинда улар турли усуллар


ёрдамида биобанлеин, кислоталарни парчаловчи фосфоэстераза ферментларини имобилизация қилиш, яъни таъсир муҳит таъсирини чақдирлигини ошириш йўлини ишлаб чиқдилар. Бунинг учун ферментни ҳосил қилувчи замбурутдан олдиқ усуллар ёрдамида ферментнинг ўзи ақтариб олиниб, унга бошқа моддалар улаш мақсадада мувофиқ энзимли аниқланди. Бундан ташқари ушбу фермент ёрдамида нуклеин кислоталаридан нуклеотид асослари олиниши йўлга қўйилди. Бу кашфиётнинг афзаллиги шундаки, керакли маҳсулот олиш белгиланган тезликда, бир йўсинда давом этади ва шу жараёнида йўлга қўйиш учун маҳсус, ҳеч қандай мураккаб асос-ускуналар талаб қилинмайди.

Хитой Халқ Жумҳуриятининг иқтисодий ва илмий ривожланиши учун хизмат қилаётган яна бир фермент — пенициллинацилазадир. У асосан пенициллиндан, тиббиёт учун зарур бўлган таъсир кучи — пенициллиндан баландроқ бўлган моддалар олишда ишлатилади.

Ҳозирги тезкор асримизда озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда ферментлардан фойдаланиш кенг расм бўлмоқда. Бу соҳада ҳам ХХХ да ўзига хос ихтиролар қилинмоқда. Шунинг учун озиқ-овқат ҳамда медицина учун зарур бўлган яна бир фермент — глюкозомерозани таъсир муҳит таъсирини чақдирлигини ошириш, у ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу иш шундай ажойиб натижа бердики, бундан олимлар ҳам, мамлакат иқтисоди ҳам катта фойда қўрди. Ахир атиги 1 килограмм ушбу фермент 57 тонна глюкозани фруктозага айлантириб бера олади эди.

Хитойлик микробиолог олимлар иқтисоди натижасида саноат ривожини авж олган ва бундан мамлакат иқтисоди, одамлар маънафат кўрган бундай ишларнинг қўллаб келтириши мумкин. Масалан, йўқордангек хоссалари яхшиланган глюкозоамилаза ферменти ёрдамида клиник диагностика учун зарур бўлган фермент электродлардан тортиб, пиво ишлаб чиқариш учун зарур бўлган махсус аниқчиларга олиномоқда. Улар ҳам ўз навбатида Хитой Халқ Жумҳуриятининг иқтисодий ва иқтисодий равиши учун ишлаб турибди.

Буларни айтишимиз мақсад, бизнинг илмгоҳимиз хузуридаги ферментлар тажрибахонасида ҳам Хитой фани учун зарур бўлган бир қанча кашфиётлар мавжуд. Агар бугунги кунда ўзбек олимлари хитойлик ҳамкашларини билан қўли-қўлга бериб фан соҳасида ҳам дастлик алоқаларини янада мустақамлашса, шартнома тузиб бир-бирлари билан ҳамкорликда, елкама-елка туриб меҳнат қилишса, бири-бирдан фойда толиб, бири-бирига ёрдамлашиб, ошқора муносабатда бўлсалар ҳар икки мамлакат илм-фан ривожини янада жадаллашган бўлар эди. Натижада олимлар кўнглидаги эъзу интилар рўёбога чиқиб, ихтиролар тажрибахоналарда узоқ «музлаб» ётмай эл-юртага тезор, кўпроқ нафти текин бўлар эди, деб ўйлайман. Бу иқтисодий инқироз авж олаётган ҳозирги даврда айнакча муҳимдир. Сўхбатдош А. ДАМНОВ.



«Полимер» заводи 1-цехининг ишчиси Қобул Йўлдошев кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилади. У кичиктойлар учун рангли коптокларни пластмасса хом ашёсидан тайёрлайди. Суратда: Қобул Йўлдошев. Х. Мирзакаримов сурати.

Душанба, 26

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Биология. Органик дуня эволюциясининг далиллари.

18.10 «Ташдаги салтанат», «Лайлақлар учиб келганда». Мультфильмлар.

19.05 «Ассалому алайкум», Муслиқий кўрсатув (такрор).

Кўп сериали телевизион бадий фильм, 11-серия.

17.35 Болалар соати (француз тили дари билан).

Уқув программаси 9.15 «Табият сирлари». Илмий-оммабоп альманах.

Левидениесининг программаси. 18.35 «Кичиктой малла». Мультфильм, 2-серия.

Сешанба, 27

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Давлат ҳокимияти ва бошқаруш органилари.

18.10 «Мақдона», Мультфильм. 18.20 «Ўзбек тилини ўрганиш» (такрор).

21.15 «Етти кун», Телефильм. Душанбе кўрсатади: 21.30 Москва, «Время».

Р. Даминов икром элади. Қозондан кўрсатилади.

фильмлар премьераси: «Ўзла-манини, қўл бола...» (Қозон).

барномаси. 22.50 «Сўз». Адабий-бадий программа.

17.25 «1374 км — масофа, Майдаги Франкфурт — Минск».

Чоршанба, 28

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Кимё. Галогенлар оиласи. Хлор ва унинг бирикмалари.

20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек классик куй ва кўшиқлари.

22.00 «Айши зиндаги». Видеофильм-спектакль премьераси.

роси учун ре мажор концерти. 16.55 Болалар соати (инглиз тили дари билан).

Уқув программаси 9.15 «Табият сирлари». Илмий-оммабоп альманах.

17.25 «Кучук» етакланган аёл, Р. Шедрин мусикасига фильм-балет.

20.45 Эстрада концерти. 21.15 «Устозлар». Телефильм.

Пайшанба, 29

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Хунар — хунардан унар». Кинопрограмма.

20.30 «Ахборот». 20.50 «Бозор иқтисодиёти муаммолари».

учун кўрсатув. 23.00 «Икки соҳила». Бадий фильм.

МАСК универсал спорт залидан кўрсатилади.

20.15 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Кўп сериали телевизион бадий фильм, 13-серия.

Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Испан тили, 1-йил шугул-ланаётганлар учун.

19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).

Жума, 30

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Боболардан қолган бу наво...». Фильм-концерт.

20.30 «Ахборот». 20.50 Жумҳурият Ленин комсомол мукофотининг совриндорлари — Махдум Азимов, Муҳаммад Юсуф.

22.00 «Ганжинани Хатлон» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

16.20 Тинч океани қирғоқларининг экологик муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.

22.05 Ички Ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра.

11.35, 12.35 Жугрофия, 6-синф. Тоғлар ва текисликлар.

19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).

Шанба, 1

8.00 «Ассалому алайкум», Муслиқий кўрсатув.

19.00 «Ўзбек тилини ўрганиш». 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Светфор». Кинопрограмма.

12.10 «Парнас сари бир босқич». 12.25 «XX аср. Ташвишли дээр хроникаси».

22.20 «Анжамемент». «борис Рубашкин Москвада».

14.45 «Қадимий вулкон этакларида». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь).

лар учун фойдали ва тортишувли мулоқазлар.

Якшанба, 2

8.00 «Хафтанома» (такрор).

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов концерти.

17.25 «Қишлоқ аёллари». Телевизион бадий фильм (рус тилида).

14.30 «XX аср. Ташвишли дээр хроникаси». Кинопрограмма.

8.50 Мультфильмлар: «Пластинин тирпаткан», «Ер ости ўтиш йўли».

14.45 «Қадимий вулкон этакларида». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь).

22.00 Студиямида Андрей Грндчук ва Людмила Берлинская. Р. Шуман. «Ажиб манзаралар».

ТОШКЕНТ ОҚИМОИ
Ўзбекистон Компартиясининг Меҳрият Қизил Байроқ шахри.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; халар — 33-29-70; 32-53-78; жаматчилик қабулхонаси — 32-55-83.